

ҚЎЙЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРИДА МЕХНАТ ГИГИЕНАСИ АСОСЛАРИ

Х.О.Косимов

Бухоро давлат тиббиёт институти.

Резюме. Қўйчилик хўжаликлари халқ хужалигининг энг муҳим булган жун, кузи териси, гушт, сут маҳсулотлари билан таъминлашдир.

Халқ хужалигининг ушбу тармоғини ривожлантириш унинг ишлаб чиқариш технологиясини ва меҳнатни ташкил этишни тубдан узгартириши асосида амалга оширилади.

Калит сўзлар: қўйчилик, технология, гигиена

Бугунги кунда Қўйчиликда уларни ярим чўл, чўл худудлари яйловларида табиий шароитда парваришlash авж олдирилган.

Яйлов шароитида қўйларни парваришlash йилига 200-210 кунни ташкил этади.

Қўйчилик хўжаликлари асосини 3-4 та чўпондан иборат бригада ташкил этади.

Ҳар бир бригада 1 та отар қўйларига (100-150 бош) парваришлайди. Шунинг билан бир каторда отарлардаги қўйлар сони уларнинг жинси, тури, ёши ҳақида худуднинг табиий иқлим шароитига боғлиқдир [Краснюк.Е.А 2001].

Қўйчилик хўжаликларида чўпонларнинг иш фаолияти йил давомида давом этади. Ташқи муҳит омилларининг чўпонлар организмига таъсири йилнинг фаслига боғлиқ. Биз томонимиздан олиб борилган хронометраж текширишлар натижасида чўпонлар йиллик иш вақтининг 60-80 фоизи турли хилдаги зотли молларни кўпайтиришга сарфланади (Лешенко К.С., 1993).

Қўйларни яйловларда ўтлашида уларнинг меҳнати фаол (қўйларни хайдаб боқиш) ва пассив (ўтланаётган қўйларни кузатиш) бўлади. Чўпонларнинг бу турдаги меҳнати кўпроқ метеорологик шароит ва яйловларда ўт-ўланларнинг холатига боғлиқ. Метеорологик шароит мўътадил бўлганда фаол меҳнат кун давомида 53 фоизни, пассив меҳнат (кузатув) 47 фоизни ташкил этди (Бизнинг кузатув). Йилнинг ёғингарчилик ёки совуқ иқлим шароитида фаол меҳнат иш вақтининг 75-84 фоизини ташкил этди. Чўпонларнинг меҳнат шароити йил давомида очиқ хавода амалга оширилади. Шунинг учун улар организмига таъсир этадиган асосий омил сифатида метеорологик шароит акс этади.

Ўзбекистон Республикасида ёзнинг иссиқ фаслида чўпонлар организмига юқори харорат ва ўткир куёш нури таъсирида терлаш орқали кучли иссиқлик йўқотилади. Бундай шароитда Бузулев Ю.Т ва хаммуаллифларнинг (2003 й) кузатувида чўпонлар организми соатига 650-700 г намлик (сувни)ни йўқотади.

Йилнинг қиш фаслида совуқ хавонинг таъсирида чўпонлар организмнинг совуб қолиши кузатилади. Бизнинг кузатувда хаво хароратининг -10°C пасайиши ва шамол тезлигининг 5-10 м/сек бўлган шароитида чўпонлар терисининг хароратини $25-26^{\circ}\text{C}$ га пасайиб кетиши кузатилди. Чўпонлар меҳнатининг яна бир хусусиятларидан бири уни кун ва йил давомида чегараланмаганлигидир. Улар меҳнати Ўрта Осиё Республикалари кунининг 14-20 соатини ташкил этади.

Лобанова Ю.С нинг кузатуви натижасида йилнинг қиш ва баҳор ойларида чўпонлар иш вақтининг 10 фоизи қўйларнинг суғоришга, 40 фоизи озиқаларни ташишга, 24 фоизи - озиқлантиришга, 12 фоизи қўйларни туғдиришга, 2 фоизини боқишга ва бошқа ишлар 12 фоизни ташкил этади.

Қўйчиликнинг бу босқичида чўпонлар организмга таъсир этадиган ишлаб чиқаришнинг омиллари бу ўрта даражадаги жисмоний меҳнат ва ётоқларни тозалаш жараёнидаги чанглик ҳисобланади. Ётоқларни тозалаш жараёнида чўпонлар нафас аъзолари атрофидаги чанглар $15-21 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил этди. Чўпонлар учун энг жавобгар ва жўшқин мавсум қўйларни қўзилатиш жараёнидир. Қўзилатиш компанияси қисман қиш, асосан баҳор фаслига тўғри келади ва ушбу компаниядаги меҳнатнинг оғир ёки ўрта даражада бўлиши табиий шароит ва қўзилатиш учун ёпиқ бинолар бор ёки йўқлиги билан боғлиқдир. Ушбу мавсумда моддий ва маънавий жавобгарлик бош чўпон зиммасига тушади. Бош чўпоннинг иш куни қуйидагича ташкил этилди: иш кунида меҳнат фаолиятининг 50,5 фоизи кундузги мезнатга ва 29,4 фоизи кечқурун бажариладиган меҳнатга сарф этилди. Бунда унинг кечқурунги уйқу соати 4-5 соатгача қисқарди. Қўйчилик хўжаликларда юқори меҳнат ва жавобгарликни талаб қиладиган мавсумлардан бири қўй жунини қирқишдир. Республикамиз шароитида қўйлар йилига 2 мартаба қирқилади (май, сентябрь). Қўйларни қирқиш махсус айвонларда амалга оширилади. Қирқим мавсумининг баҳор ойида ўтказилиши, бунда меҳнат жараёни метеорологик шароит билан узвий боғлиқ. Бунда ҳаво ҳарорати, намлиги ва шамолнинг ҳаракат тезлиги кун давомида тез ўзгаради. Қўйларни баҳор ойида қирқиш жараёнида айвонлар остидаги ҳарорат $+25+26^{\circ}\text{C}$, намлик – 60-70 фоизни, шамолни ҳаракат тезлиги 15-21 м/сек ни ташкил этди. Қўйларни қирқиш жараёнида пайдо бўлган чанглар таркиби юнг толаларидан иборат, юқори аллергиялик хусусияти билан фарқланади (Джумаев Ф.Т 2006). Қўйларни юнгини олиш асосан электр қирқув агрегати ёрдамида амалга оширилди. Электр қирқув агрегати ёрдамида қўйларнинг юнгини олишда ишчи ўринларида шовқин пайдо бўлиб, унинг даражаси 83-90 дБ ни ташкил этди. Бу шовқинлар ўрта ва юқори частотани шовқинлар бўлиб 7000-8000 ГЦдан иборат бўлди. Шовқин бундай ишларни бажаришда 75-80 дБ дан ошмаслиги керак. Қўйлар юнгини олишнинг охириги босқичи бу қўйларни чўмилтиришдир.

Қўй қирқими жараёнида ишчилар 9-10 соат давомида мажбурий эгилган ҳолатида ($30-35^{\circ}\text{C}$) бўладилар ва уларга катта жисмоний босим таъсир этади. Ишчилар иш кунинг зичлиги (боғлиқлиги) 76-80 фоизни ташкил этди (Сарф этилган соатлар асосида ҳисобланди)

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолатда шуни таъкидлаш керакки қўйчилик хўжаликларида ишчилар организмга ёзда юқори ҳарорат, қуёш радиацияси, қиш-баҳор ойларида паст ҳарорат, ҳавонинг юқори намлиги, қўзилатиш, қирқим шароитида ноқулай метеорологик шароит, оғир жисмоний меҳнат, шовқин, оёқ мушакларига юқори босим, чанглик ҳамда қўзилатиш ва қирқим даврида биологик омиллар (бруцеллез касаллигини қўзғатувчиси, геморрагик иситма касаллигини ташиб юрувчи каналар) таъсир этади. Қўйчилик хўжаликларида меҳнат қилувчи ишчилар меҳнатини муҳофаза

қилиш, уларни табиий метеорологик омиллардан муҳофаза қилиш мақсадида қуйидаги соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Қўйчилик хўжаликлари ишчилари доимий тиббиёт ходимлари назоратида бўлиши (терапевт, травматолог, инфекционист) ўта муҳимдир. Чўпонлар меҳнатини енгиллаштириш мақсадида ишни икки сменада ташкил этиш лозим. Қўйчилик фермаларида ишчиларни тўлиқ махсус кийимлар билан таъминлаш, қирқим ва қўзилатиш мавсумида нафас органлари, кўлларни химояловчи моддалар, дезинфекция воситалари мавжуд бўлиши лозим. Фермалар хўжаликларида қўйлар ва қўзиларни сўйишдан олдин уларни тўлиқ ветеринария қуригидан ўтказиш ўта талаб этилади.

Қўйларни қирқимдан кейин ванналарда ювишнинг механизациялашган тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Республикамизнинг айрим қўйчилик хўжаликларида ҳафтада бир кун дам олиш билан 7 соатлик иш куни жорий қилинган. Бундай иш режимида бутун ҳафта давомида чўпонларнинг иш қобилияти юқори даражада сақланади. Қозоғистон технология илмий текшириш институтининг олиб борган текширишларида чўпонлар учун 2 кунлик дам олиш билан ҳафтада 5 кунлик, 41 соатлик иш ҳафтаси ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги исботланган. Бунда иш кунига 2 сменада ташкил этилган. Бундай иш системаси чўпонлар меҳнатини енгиллатишга ва уларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш имконини яратади.

Адабиётлар

1.Лешенко К.С.Некоторые аспекты профессиональной заболеваемости в сельского хозяйства Белорусии. Ж.Сан. и гиг.,2010,№5, с 192

2, Гигиенические нормативы. ПДК вредных в воздухе рабочей зоны. СанПиН РУЗ №0141-03. Ташкент,2003,с 180

3,Гигиена труда в современном сельском хозяйстве под. Ред. Я.Б.Резника, Ришенев,Шитинца, 2009,105с

4,Джумаев Ф.Т. Гигиена села в Таджикистане. Ж.Сельское Хозяйство.№6 С46-50. Душанбе. 2006